

№ S/4 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS OBYEKTALARINING O'RNI	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИННИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	79-90
<i>Абдуллајсанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН	96-102

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O’RNI	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O’ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o’g’li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ	147-155
<i>Qurbanov Ma’murjon G’ayrat o’g’li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO’RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O’ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o’g’li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO’NALTIRISH ZARURIYATI	217-222

Исломов Алишер Бахтиёр ўғли
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ 223-229

Agzamova Nargiza Gapurovna
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN 230-237

Муродова Дилноза Чориевна
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ 238-245

Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING
FUNKSIYALARI 246-250

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ
ҮРНИ 251-259

Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI
TAKOMILLASHTIRISH 260-265

Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING
MUSHTARAKLIGI 266-271

Khamdamova Sitora Safarovna
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA
XOSLIGI 272-277

Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО
ЧЕЛОВЕКА 278-283

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Xasanov Akbarjon Abdurashidovich
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK
BIRLIKLER BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR 284-292

Qurbanova Muharram Jurabekovna
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI 293-297

Сафарова Замира Рустамовна
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК
ТАСНИФИ 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS'	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ	326-342
--------------------------	---	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI	343-348
-------------------------------------	---	---------

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	349-355
---------------------------------------	---	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	356-362
----------------------------	--	---------

<i>Полвонов Нажмиiddин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	363-372
---	---	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ	373-382
----------------------------------	---	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ"	383-392
--------------------------------------	--	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	393-399
----------------------------------	---	---------

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH	400-409
-----------------------	--	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ	410-415
-------------------------------------	---	---------

Xaydarova Iroda Nizomiddinovna

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

Шукрова Нафиса Алишеровна

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ 422-427

Nigmanov Bori Botirovich

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING
AHAMIYATI 428-433

Муродова Дурдона Раимжон қизи

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯСИ 434-438

Axmedov Alisher Nosir o'g'li

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI 439-447

Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI 448-452

Mansurbekova Feruza Gayratovna

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 453-456

Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI 457-465

Atamuratova Munira

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL
METODLAR TAVSIFI 466-471

Нурилло Эминов

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА
БИР НАЗАР 472-476

Асадова Дилбархон

Стажёр ўқитувчи, Тошкент давлат шарқшунослик университети

ЎРХОН ПАМУҚНИНГ “ҚОРА КИТОБ” РОМАНИДА “ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ” МОТИВИ

Аннотация. Ушбу илмий мақолада турк постмодерн адабиётининг етакчи вакилларидан бўлмиш Ўрхон Памуқнинг “Қора китоб” романидаги ўзликни излаш мотиви очиб берилган. Мақолада постмодерн матнининг энг муҳим хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Маълумки, постмодерн адабиёти ноанъянавий ижтимоий ҳаёт сифатида адабиётда пайдо бўлди. Постмодерн йўналишда ёзилган романларда ҳамма нарса ўйин каби намоён бўлади. Тарихий ва хаёлий, ижтимоий ва ахлоқий мотивлар муаллиф томонидан ўйин сифатида тақдим қилинади.

Калит сўзлар: Ўрхон Памуқ, “Қора китоб” романи, постмодерн роман, мотив, ровийлар, интертекстуаллик полифония, деконструкция, ўйин ҳодисаси, пародия, пастиш

Асадова Дилбархан

Преподаватель-стажер Ташкентского
государственного университета востоковедения

МОТИВ «ПОИСКА ИДЕНТИЧНОСТИ» В РОМАНЕ «ЧЕРНАЯ КНИГА» ОРХАНА ПАМУКА

Аннотация. В данной научной статье раскрывается мотив поиска идентичности в романе «Черная книга» Орхана Памука, одного из ведущих представителей турецкой постмодернистской литературы. В статье рассматриваются важнейшие черты постмодернистского текста. Известно, что постмодернистская литература появилась в литературе как нетрадиционная социальная жизнь. В романах, написанных в постмодернистском направлении, все предстает как игра. Историко-художественные, социальные и нравственные мотивы представлены автором в игровой форме.

Ключевые слова и фразы: Орхан Памук, роман «Черная книга», постмодернистский роман, мотив, повествователи, интертекстуальность, полифония, деконструкция, игровое событие, пародия, пастиш

Asadova Dilbarkhan

Trainee teacher, Tashkent State University of Oriental Studies

THE MOTIV OF “SEARCH FOR IDENTITY” IN THE NOVEL “THE BLACK BOOK” BY ORHAN PAMUK

Abstract. This scientific article reveals the motive for the search for identity in the novel “The Black Book” by Orhan Pamuk, one of the leading representatives of Turkish postmodern literature. The article discusses the most important features of the postmodern text. It is known that postmodern literature appeared in literature as an unconventional social life. In novels written in a postmodern direction, everything appears as a game. Historical, artistic, social and moral motives are presented by the author in a playful way.

Key words and phrases: Orkhan Pamuk, Black Book novel, postmodern novel, motif, narrators, intertextuality, polyphony, deconstruction, game phenomenon, parody, pastiche.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N42>

Постмодерн матн нуқтаи назаридан энг мукаммал асарлардан бири дея эътироф этиладиган “Қора китоб” Ўрхон Памуқнинг тўртинчи романидир. “Қора китоб” Памуқнинг энг кўп муҳокама қилинган романи бўлди. Романга оид танқидлар жамланиб, китоб ҳолида нашр этилган. Асар Аҳмед Атешнинг “Ислом энциклопедияси” учун ёзган “**Ибн Арабий**” мақоласидан олинган иқтибос билан бошланади: “Ибн Арабийнинг бўлган воқеа ўлароқ ҳикоя қилишига кўра, Абдалнинг руҳлар тарафидан кўкка кўтарилиган бир дўсти илк дафъа дунёни ўраб турган Қоф тоғига борибди ва тоғни бир илон чирмаб ётганини кўрибди. Бугун дунёни қуршаб олган бундай тоғ ва унинг атрофида бу каби илон йўқлиги аниқ”.[4;5] Бу иқтибосда эътиборга олинадиган биринчи жиҳат унинг иқтибос эканлигидадир. Ибн Арабийни у айтган бу воқеа айнан ҳақиқат эмаслигига айблаб бўлмайди, чунки у эшитган воқеасини бошқаларга етказмоқда. Ушбу кичик иқтибосдаги яна бир масала ҳақиқат ва тасаввур ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Абдалнинг руҳлар томонидан кўкка кўтарилиши ички дунё билан боғлиқ ҳолатни кўрсатади. Шу сабабдан “кўкка кўтарилиш” мотивини ташқи дунё ҳақиқати сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бу икки элемент “Қора китоб” мазмунини тушунишга ёрдам беради: Биринчидан, **“Қора китоб” бошқа асарлардан иқтибос келтирилган ва ўзга манбаларга ҳавола берувчи матнлардан иборат**. Бу матнлар Памуқ томонидан қайта ёзилган ва у мотивларнинг ҳаққонийлигига жавобгар эмаслигини билдиради. Иккинчидан, адабий асарда орзу-ҳақиқат ўртасидаги зиддият хаёлот ва реаллик орасидаги қарама-қаршиликка айланади. Романдаги хаёлий макон, хаёлий образлар ва хаёлий тасвирлар реал ҳаётнинг акси эмас, балки муаллифнинг идрок чиғириғидан ўтган янги воқеликдир. Постмодернизмнинг муҳим унсурларидан бири бўлган интертекстуалликнинг қўлланилиши “Қора китоб”нинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

Памуқ суҳбатларидан бирида “Қора китоб”нинг ушбу муҳим жиҳатини қандай яратгани ҳақида тушунтириш беради: “Мен ниҳоят йиллар давомида қилмоқчи бўлган ишимни “Қора китоб”да амалга оширдим. Бу асарни турли бадиий матнлардан иборат коллаж деб атаган бўлардим. Унда тарих парчалари, бугунги кун, бир-бирига бегона ва нотаниш кўринган ҳикоялар жамланган. Уларни бир жойга тўплаш матн остида яширилган матнни ўқишининг энг яхши усулидир”. “Қора китоб” бир-биридан мустақил кўринадиган ҳикояларни битта матнда бирлаштирган ҳолда яратилган мутлақо янги асар. Ҳикоялар бир-биридан мустақил бўлса ҳам роман сюjetи, образлараро муносабатлар, конфликтлар мавзулар ва воқеалар турфа хиллигини бир тизимга солиб туради. **“Қора китоб”да учрайдиган асосий мавзулардан бири бу севги мавзусидир**. Романдаги Голиб ва Рўёнинг муҳаббати никоҳ билан якунланади. Турмуш қурганига тўрт йил бўлган эр-хотин бир-бирини болалиқдан билишади. Ўрхон Памуқ “Қора китоб”да бу ишқнинг сифатларига улуғворлик бермоқчи бўлади. Муаллифнинг ўзи: “Голибнинг Рўёга бўлган бир ёқлама муҳаббатида мени ҳаяжонлантирадиган томони шуки, бу муҳаббат фақат бизникидир. Рўё ва Голибнинг ҳикояси бутун умри давомида фақат бир аёлни севган эркакнинг ҳикоясидир. Бундай муҳаббат мукаммал бўлиши учун у болалиқдан бошланади, деб ўйладим”,[5;7] дея изоҳ беради. Ёзувчи Рўё ва Голибнинг муҳаббатини “Хамса” қаҳрамонлари Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун даражасига

олиб чиқишига уринган. Мотив қўпроқ Лайли ва Мажнунни ёдга солади. Навоий ҳам қаҳрамонларини болалик чоғларидан таништиради. Севги тематикаси Ғарб ва Шарқ адабиётида икки қутбдаги муносабатга ўхшашлигини инобатга олсак, Шарқ адабиётидаги ошиқ образи вафодорлик ва садоқатлилик хислатларига эга бўлади. Бу фазилатлар Ошиқ образининг маънавий юксалиши учун хизмат қиласди. Ғарб адабиётидаги Ошиқ образини бу туйғулар билан тасаввур қилиш қийин. Памук romanни Ғарб анъаналарига эргашган ҳолда ёзган бўлса ҳам шарқона муҳаббат мотивларидан илҳомланган ҳолда ёндашган.

“Қора китоб” романининг мазмуни роман қаҳрамонларидаги “эски ва янги”, “кеча ва бугун”, “борлиқ ва йўқлик” ўртасидаги зиддиятларни ўзида мужассам этган жамоавий онгнинг акси сифатида намоён бўлади. Жамоавий онг ижтимоий онгнинг ягона шахсада акс этишидир. Романда Ғолиб, Жалол ва Рӯёning образини жамлагандага уларнинг ортида турган ёзувчининг сояси кўзга ташланади. **“Унутиш” ва “эслаш”** мотивлари асарда параллеллик ҳосил қиласди ва воқеаларнинг макону замонини goҳ ўтмиш, goҳ бугун билан боғлаб туради. Романга изоҳ бераркан, ёзувчининг ўзи шундай дейди: “Мен китобни таснифлай олмайман. Балки бу ишқий роман, балки детектив, балки излаш романи, балки қомусий романдир. Аммо бу китобни ёзган тўрт йил давомида менга энг катта туртки берган нарса шу. Бошқаларга ўхшамаган, ноёб асар ёзиш. Шу маънода ёзишни жасорат деб айта оламан”.[5;7] Ёзувчи бугунни – яъни асарнинг асосий замонидаги воқеани унутишга ва ўтмишдаги воқеликни эслашга чорлайди. Шу жиҳатдан асарнинг сюжет чизиги бир текис кечмайди.

“Қора китоб” тузилишига кўра икки асосий қисмга бўлинади. Биринчи қисм ўн тўққиз бўлимдан, иккинчи қисм ўн етти бўлимдан иборат. Ҳар бир бобда алоҳида сарлавҳа ва эпиграф мавжуд. Романнинг структураси излаш мотивига қурилган. Излаш мотивидаги асарлар мураккаб сюжетга эга бўлмайди. Жумладан, “Қора китоб”нинг сюжети ҳам бир қадар оддий. Истамбулнинг Нишантоши туманида рафиқаси билан бирга яшовчи Ғолиб бир куни эрталаб уйғониб, хотинининг йўқлигини билиб қолади. У ўн тўққиз сўздан иборат мактуб қолдиргани аён бўлади. Аввалига у шошилмасдан хотинини яқин атрофдан қидириб кўради. Барibir уни топа олмагач, Истамбулнинг турли жойларидан излашга тушади. Рӯёning эски танишлари ва дўстларидан сўрайди. Булар наф бермагач, Ғолиб қариндоши, “Миллият” газетаси мухбири Жалолнинг ҳам Рӯё билан бирга эканлигини тушуниб етади. Шунда Ғолиб Жалолнинг материалларидан фойдаланиб, уларнинг изини топишда давом этади. Бир қарашда детектив романга хос хусусиятлар кўзга ташланади. Муаллиф постмодерн матннинг барча элементларидан фаол фойдаланишга ҳаракат қиласди. Асар сюжетидаги излаш чизигига Жалолнинг газетада чоп эттирган мақолалари алоҳида чизик бўлиб қўшилади. Жалолнинг мақолалари Ғолибга кўмаклашади. Муаллиф бу мақолалардан икки хил мақсадда фойдаланади. Ҳам матннинг серқатламлилигини ошириш учун, ҳам қаҳрамонининг ҳаракатини ривожлантириш мақсадида бу ишни амалга оширади. Романнинг қизиқ жиҳати шундаки, Жалол томонидан ёзилган мақолалар ўзига хос услубда ёзилган. У Ғолибга Рӯёни топишда ёрдам бериши билан бирга ўқувчини воқеаларнинг бир хил оқимидан чалғитиб, асарнинг қизиқарлилигини оширади. Излаш жараёнида қаҳрамон бутунлай ўзгаради. У ўзлигини танийди. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод образи комил инсон концепциясига хизмат қилиши маълум.

Фарҳод бу йўлга Ширинни излаш мақсадида йўлга тушади. Умуман олганда, “излаш” мотиви Шарқда азалдан инсон ўзлигини топишда асосий қалит саналади. Пауло Коэлёнинг “Алкимёгар” асари қаҳрамони Сантяго ҳам алкимёни қидириб йўлга тушади ва охирида излаган нарсаси ўзида эканини тушуниб етади. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида ҳам “излаш” мотивини кўриш мумкин. Қушлар Симурғни ахтариб йўлга чиқишидаи ва алал-оқибат Симурғ ўзлари эканини англашади. Памук ҳам излаш мотивини шу мақсадда киритган.

Жалолнинг газетадаги мақолаларини ўқиб бориш ва Рўёни излаш жараёнида Ғолибнинг ҳам шахсияти эврилишларга учрайди. Памук Навоий каби комил инсон концепциясини илгари сурмаган. Чунки постмодерн романнинг асосий мақсади комил инсон образини яратиш эмас, аксинча мукаммалашган матн яратиш истагидир. Ғолиб роман охирида Жалол қуролли ҳужум натижасида ўлдирилганини билиб қолади. Шундан сўнг бу ҳужумда у билан бирга бўлган Рўёning ҳам ҳалок бўлганини англаб етади. Унинг излаш жараёни шу яқун билан ниҳояланади. **Шарқ адабиётига хос “излаш” мотивининг марказида инсоннинг ўзи туради.** Памук эса бу мотивни янгилайди. Постмодерн романдан кўзда тутилган мақсад ҳам аслида шу экани ойдинлашади. “Қора китоб” романнинг сюжети бир қадар оддий тузилгани, воқеалар динамикасининг барқарорлиги асарни ўқиши осонлаштиргандек туюлса ҳам аслида бунинг тескариси эканини кўриш мумкин. Роман онг оқимидағи мулоҳазалар, узундан узоқ диалоглар, чўзиб юборилган жумлалар, ақл бовар қилмайдиган тафсилотлар билан бойитилган. Рўёни қидириш жараёни тасвирланган ҳар бир ҳикоядан сўнг Жалолнинг газетадаги мақолалари бериб борилади. Натижада ушбу мақолалар Ғолибга ҳамроҳлик қиласи. Асар сюжетини эса атайлаб бузиш ҳолати кўзга ташланади. Романдаги аслида бир текис бўлган сюжет чизифи орасига бу каби нотаниш воқелик лавҳалари қўшилиши асарни енгил ўқиши жараёнини мураккаблаштириб қўяди. Памук ўқувчини матн остидаги матнни ўқишига чорлайди.

Роман “Ғолибнинг Рўё билан илк учрашгани” деб номланган биринчи боб билан бошланади.[6;14] Мазкур бобда бир-бирига зид фикрни илгари сурган иккита эпиграф диққатни тортади. Улардан биринчиси Адлийга тегишли бўлиб, у эпиграфлардан фойдаланишни тавсия қилмайди: “Эпиграфлардан фойдаланманг, улар асарингиз сирини ўлдириб қўяди”. [7;11] Иккинчи эса сирни ўлдириш ҳақидаги эпиграф. Бутун роман давомида бу эпиграфлар роман сюжетини ташкил этувчи асосий ҳолатларнинг баъзан тескариси, баъзан изоҳловчиси бўлади. Биринчи бобда Ғолибнинг болалиги, оиласи, қариндошлари ва яқин дўсти Жалол, турмуш ўртоғи Рўёning Нишантошидаги ҳаётини таниширишга бағишиланган. Дастробки учта боб – “Ғолибнинг Рўёни илк бор кўргани”, “Босфорнинг сувлари чекинганда” ва “Рўёга салом айт” бир бутунликни ташкил этгандай таассурот уйғотади. Муаллиф вақтни қисмларга парчалайди. Ўтмиш, ҳозир ва келажак бир-бирига аралашиб кетади, уйғунлик ҳосил қиласи. Роман ҳозирги замон тасвири билан бошланади. Рўё тўшакда юзини пастга қаратиб ухлайдиган тасвир. Бу ҳолат Ғолибнинг уни биринчи бор кўрган лаҳзасини эслашига сабаб бўлади. Бу ерда “эслаш” мотиви орқали Ғолиб Рўёни мактабга борган йили, “Истамбулда 56 русумдаги Шевролетлар сони кундан-кунга кўпайиб бораётган” бир пайтда таниганини эслайди. Сюжет чизифи шу нуқтага келганида ўқувчи Жалолнинг “Селим Качмаз” тахаллуси билан ҳафтада беш марта чиқадиган “Миллият” газетасига мақола ёзиб боришини ва

Ғолибнинг Нишантошидаги Сеҳиркалл маҳалласида бобоси, бувиси, Васиф ва Жалол билан бирга яшаши ҳақидаги хотираларини билиб олади.

Ғолиб бу учрашувдан **19 йил, 19 ой, 19 кун** ўтиб Рўёга уйланади. 19 рақами билан боғланган рамзийлик давом этиб, муаллиф асарнинг биринчи қисмини **19 боб** билан тугаллайди. Романдаги “эслаш” мотивидан сўнг асар замони ҳозирга қайтади ва Ғолибнинг Рўёни уйғотмасдан ташқарига чиқиб кетгани тасвирланади. Ғолиб микроавтобусга ўтириб, Жалолнинг янги чиққан мақоласини ўқишига тушади. Бу воқеалар ўқувчини романнинг ичига олиб киради. Иккинчи қисм “Босфорнинг сувлари чекинганда” деб номланган ва унда Босфор бўғозининг манзаралари тасвирланади. Бу сарлавҳа Жалолнинг мақоласининг сарлавҳаси бўлиб, у оддий журналистик услубда ёзилмаган. Бу Мақолада Жалолнинг узун жумлалар тузиши, қуюқ ва батафсил тасвирлаш усули, тушкун оҳангига ва интроверт хулқ-атвори кўзга ташланади. Бу услуб ёзувчининг услуби билан бир хил эмас ва шу жиҳатдан постмодерн матннинг хусусиятларидан бири бўлган полифонияга имкон беради. Постмодерн матн монистик овозни инкор этади. Иккинчи бобга “Ҳеч нарса ҳаёт каби ажойиб эмас, фақат ёзишдан бошқа”,[8;24] сўзлари эпиграф сифатида танланган. Бу сўзлар орқали ёзувчи Жалолнинг ёзиш қобилиятига ишора қиласди. Жалолнинг мақоласида Босфор бўғозида ҳаёт уйғониши ва Истамбул манзаралари тасвирланади. Бўғознинг сувлари чекиниб, бу чуқур ва улкан водийда янги турмуш маданияти пайдо бўлади. Натижада Ғолибнинг Рўёни излаш учун сафарга чиқиши билан бирга Жалолнинг Истамбул тасвири асарнинг сюжет чизиғида параллеллик ҳосил қиласди ва шу тарзда ривожлана боради.

Мақолалар Ғолибнинг онг оқимиға таъсири қилишни бошлайди. Уни асарда бошқариб борувчи маънавий куч айнан Жалолнинг мақолалари дидир. Памук матн ости матн орқали ёзишнинг қудрати ҳақида уқтиromoқчи бўлади. Ёзувчи ўзининг ғоясини ҳам икки линия орқали ўқувчига етказишга уринади. Памук Жалолнинг мақолалари орқали ижтимоий воқеликка, Ғолиб ва Рўёнинг муҳаббати орқали ишқ масалаларига, дунёning азалий ва абадий саволларига муносабат билдиради. Босфорнинг гротеск картинаси бежизга келтирилмайди. Истамбулдаги коррупция яқин келажақда Босфор манзарасига ўхшаб қолиши муаллифнинг асар орқали айтмоқчи бўлган фикридир. Ушбу матнда **Босфор Истамбулнинг қоғозга туширилган тасвири, яъни проекциясидир.** Ғолибнинг Рўёни излаш жараёни билан Жалол тасвирлаган Истамбул манзаралари кетма-кет келиши сюжетда иккита параллел сатҳ ташкил қиласди. Икки сатҳ бир-биридан айри кўринса-да, уларда яхлитлик мавжуд. Ғолиб Рўёни қидиришда давом этаркан, Жалолнинг ёзганлари унга йўл кўрсатиб боради. Жалолнинг мақолалари даги мавзу ва фикр тарзи Ғолибнинг аввалги бобдаги кайфиятига ҳамоҳанглик касб этади. Романнинг учинчи бобида Рўёнинг Ғолибнинг уйидан кетиб қолиши хусусида ҳикоя қилинади. Ушбу бўлим “Рўёга салом айт” деб номланган бўлиб, бу бобда бир боб аввалги Жалолнинг Босфор ҳақидаги мақоласига ҳаволалар келтирилган. Бутун роман сюжети мақолаларда келтирилган маълумотларни тафсилотлар билан озиқлантиришдан ривожланиб боради.

Шу куни Ғолиб Бабиали тепалигидаги ишхонасида боради ҳамда уйига қўнғироқ қилиб, Рўё билан гаплашади. Ушбу нутқдан сўнг, Ғолибнинг яқин келажақдаги кунлари кейинги замонга қараб силжийди. Ғолиб бу телефон сухбатидан кейин баъзи тушуниксиз саволлар куршовида қолади: “Кейинги кунларда бу телефон сухбатини

қайта-қайта эслашига тўғри келганида, Ўзининг овози бирорнинг овозидек тингланган ўша кунларда Ғолиб телефоннинг икки четидаги икки киши эканлигини жуда яхши биларди. Чунки у тушунардики, бир-бири билан гаплашганда телефон линияси бутунлай бошқа одамларга айланиб кетиши мумкин эди...”[9;30] Ушбу бобда ўқувчи Жалолнинг ҳам икки кундан бери йўқолиб қолгани ҳақида билиб олади. Дўстлари Жалолга қўнғироқ қилишади, лекин у билан боғлана олишмайди. Ғолиб ҳам кун бўйи газетага қўнғироқ қилиб, Жалол ҳақида сўрайди, лекин уни ҳам топа олмайди. Ғолиб кечкурун Ҳале холага қўнғироқ қилиб Жалол ҳақида сўрайди, Ҳале хола эса уни Рўё билан кечки овқатга таклиф қилади. Ҳале хола уйга телефон қилганини, лекин Рўёни топа олмаганини билдиради. Кечки овқатда Ҳале хола, Мелиҳ амаки, Сузан хола, Восиф ва Эсма хоним билан бирга овқатланишади. Ғолиб шу онда Рўё билан турмушининг моҳияти, Жалолнинг газетадаги мақолаларининг ғояси ҳақида ўйлади. Сюжет икки параллел сатҳда ҳаракатланишда давом этади.

Кечки емак якунида Мелиҳ амаки Жалол ва Рўёнинг ғойиб бўлганидан хавотир билдиради. Ғолиб уйига қайтгач, Рўёнинг яшил шарикли қалам билан ёзилган **ўн тўққиз сўздан иборат мактубини** кўради. Бу мактубнинг мазмуни ҳақида ўқувчига ҳеч нарса маълум қилинмайди. Романинг кейинги қисмлари Жалолнинг хилма-хил ҳикоялар, латифалар, қомусий маълумотлар ва тарихий изоҳлар билан бойитилган мақолалари ва Ғолибининг йўқолган рафиқаси Рўёни Истамбулдан топиш учун қилган саёҳати билан параллелликда давом этади. Романда Рўё нима учун Ғолибни тарқ этганига изоҳ берилмайди. Асарнинг умумий бадиий-ғоявий мундарижасидан келиб чиқсан, муаллиф Ғолибни романда ҳам жисмоний, сўнгра руҳий сафарга чиқариш учун ушбу усулни танлаган. Сюжетда муҳим чизиқни шакллантириб берган Рўёнинг тарқ этиш воқеаси роман яхлитлигида муҳим ўрин тутмайди. “Бу болалик” деб номланган асарнинг бешинчи бобида яна болаликка қайтилади. Бу бобда Рўё ва Ғолибининг ўртасидаги никоҳ, муҳаббат муносабатлари асос бўлган воқелик яна ўтмишга қайтиш усули билан кўрсатиб берилади. Памуқ романда ретроспектив баён усулидан унумли фойдаланган. Қаҳрамоннинг ўй-мулоҳазалари маълум нуқтага келиб қолганда, ретроспектив усул ишга тушади ва ёзувчи қаҳрамонни ўтмишга қайтаради. Улар бир-бирларини болалиқдан билишса ҳам, қариндош бўлишса ҳам турмуш қурганларига эндиғина уч йил бўлгани айтилади. Рўё фарзанд кўрмайди, бирор иш билан шуғулланмайди. Унга оид чизгилардан ўқувчига англашиладигани фақатгина Рўёнинг севимли машғулоти детектив романлар ўқиши эканлигидир. Бу постмодерннинг элементларидан бири бўлган детективлик хусусиятини ёдга солади. Ёзувчи, эҳтимол, айнан шу элементга ишора қилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо унутмаслик керакки, постмодерн романлардаги детектив ҳикоялар ўқувчини якунгача интригада ушлайдиган, бадиий савияси ўртамиёна детектив адабиётидан фарқ қилади.

Ғолиб ва Рўё ўртасидаги муносабатлар икки параллел оламга мансуб кишиларнинг бирга яшишига ўхшайди. Ғолиб ишда вақти уйга телефон қилганида Рўёнинг гўшакни кўтариб, уни мазах қилгандай оҳангда гапириши, кечкурун ишдан қайтганида мебелларнинг ўрни алмашиб қолиши, кулдонда чекилган сигареталар сони ва хоказо майда деталлар Рўёни Ғолибга нисбатан бефарқ бир образ сифатида кўрсатади. Ўқувчидаги табиий бир савол пайдо бўладики, Рўёнинг Ғолибда кўнгли борми ёки йўқми? Агар бор бўлса, нега бунчалик совуқкон муносабат кўрсатади? Мабодо

Ғолибни севмаса, нима учун у билан яшашга рози бўлганди? Бу каби саволларни уйғотиш учун муаллиф атай жумбоқли лавҳаларни тақдим қиласи. Постмодерн роман ичида калаванинг учини топиш мухим эмас, жараённинг ўзи мухим саналади. Лекин уни топишга бўлган интилиш асарни ўқиши жараёнидаги иштиёқни кучайтиради.

Рўёни излаётганда Ғолибнинг хаёлига келган биринчи гумон уни собиқ эрининг олдига қайтган бўлиши мумкин деб ўйлайди. Жалол ҳам атрофда эмас. “Қоф тоғининг мактублари” деб номланган романнинг еттинчи бобида асосий сюжет чизиғидан параллел чизиққа ўтилиб, Ғолибнинг Рўёнинг собық эри билан учрашишидан олдин эски дўсти Саим билан олиб борган тадқиқоти тасвирланади. Аввалига Ғолиб Рўёнинг барча яқин дўстларига телефон орқали кўнғироқ қиласи. Уларнинг ҳеч бири Рўё ҳақида билмаслигини билгач, банқдаги ҳисоб рақамини текширади. Бу орқали Рўё охирги ўн кундан бери пул ечмаганини билиб олади. Шундан сўнг тўғри Саимнинг уйига бориб, дўсти “архив” деб атайдиган ҳар хил газета парчалари, рисолалар, кичик журналлар, мақола ва манифестларни биргалиқда ўқишиади. Саимнинг бу улкан архиви ақл бовар қилмайдиган даражада кўп сонли маълумотларни ўз ичига олади. Олти йил олдин Саимнинг эътиборини бектошийлик тариқатининг аъзолари тортади. Бектошийлик тариқатининг тарихи етти юз йил аввалга бориб тақалади. Шу ўринда бектошийлик ҳақидаги баъзи қомусий маълумотлар берилади: номлар, саналар, воқеалар биринкетин санаб ўтилади. Саимнинг фикрича, ер остига кириб, Нақшийдек яшаган бектошийлар республикадан эллик йил ўтиб маркцизм-ленинизм ниқоби остида пайдо бўлишди. Бу уларнинг партиядаги иштироқининг маъноси дея талқин этилади ва Саим буни роппа-роса тўрт йил давомида архив ҳужжатлари орқали ўрганишга тиришади. Архив билан боғлиқ воқеа бу қидирудан Ғолибнинг Рўё ҳақида ҳеч нарса тополмай чиқиб кетиши билан якунланади.

Романнинг саккизинчи боби “Уч мушкетёр” деб номланиб, бу мақолада уч буюк газетачи ҳақида баён этилган.[9;56] Шундан сўнг Жалол ўқувчига ўз бошидан кечирганлари хусусида ҳикоя қиласи. Ғолиб эртаси куни эрталаб газета олдида тўхтайди, у ерда газетанинг полемика ҳақида мақолалар ёзувчи журналист Нешати ва Ғолиб ўртасида зиддият юзага келади. Ўқувчига маълум бўладики, Нешати Жалолнинг устозларига хиёнат қиласиган журналист. Унинг сўзларига кўра, Жалолнинг ёзганлари ўз ҳаётидаги кемтиклик ва ёлғизлик туйғуларининг ифодасидир. Ғолиб Жалолнинг ёзганларини бетакрор деб ҳисоблайди. Нешати унинг бу фикрига ҳам қарши чиқади. У Жалолнинг ёзганларини жумлалари узун, ҳикояга ўхшаш, газета услубига тўғри келмайдиган, ортиқча бадиий безак берилган мақолалар сифатида қарайди. Жалол ўз рукнларида айтиб берган ҳикоялари билан қандайдир ўйин ўйнамоқчи бўлади. Ғолиб Нешатига хотинининг йўқолиб қолганини, уни излаб юрганини айтади. Шу ерда қизиқ бир жиҳат эътиборни тортади. Эътибор бериб қаралса, романда Жалолнинг ўзи ҳеч қачон учрамайди. Ўқувчи Жалолни фақат ёзган мақолалари орқали билади. Махсус бобларни ташкил этувчи мақолалар тугагач, романдаги Жалолнинг мавжудлиги ҳам поёнига етади. Бу Памук томонидан ўйлаб топилган фавқулодда ва оригинал бир образдир. Бутун асарга таъсир қилиб боради, лекин ўзи ҳеч қачон кўриниш бермайди.

Романдаги воқелик давом этаркан, эртаси куни Ғолибни Гунтепе маҳалласида кўрамиз. Бу ерда Рўёнинг собық эри истиқомат қиласи. Ғолиб Рефет Бей кўчасидаги 13-йида яшовчи Рўёнинг собық турмуш ўртоғини топади. Маълум бўладики, эркак

аллақачон бошқага уйланган. У узоқ вақтдан бери Рўёни кўрмаган. Бор-йўғи шу тафсилот билан мазкур боб якунланади. Собиқ эрнинг Рўёни кўрмагани, у ҳақида билмаслиги сюжет чизиғида ҳеч қандай ўзгариш ҳосил қилмайди. Воқеанинг муҳим томони Ғолибнинг гумонларидан бири тасдиғини топмайди. Ўн учинчи боб “Қара, ким келди?” дея номланиб, унга Туркан Шарайнинг “Биз анча аввал учрашишимиз керак эди” номли иқтибоси эпиграф қилиб келтирилган. Унда Ғолиб Рўёнинг собиқ эрининг уйидан чиқиб, Галатасаройга боради. Бу ерда Ғолиб маҳаллий кино артистларига ўхшаган фоҳишалар билан танишиладиган маҳсус жойга боради. Сюрреалистик тарзда ёзилган мазкур боб Ғолибнинг онг оқими бўйлаб саёҳатининг биринчи қадами бўлиб туюлади. Романдаги турғун вазиятлар занжирининг интригасига ҳисса қўшадиган бу эпизодда Ғолиб Туркан Шарайдек аёл билан учрашади. Ғолиб унга уйланишни орзу қиласди, лекин кўп ўтмай турмушга чиққанини эслайди. У аёлни бу баҳтсиз ҳаётдан қутқариш ҳақида ўйлади. Худдики турк фильмларига пастиш сифатида кўриладиган бу бўлим, Ғолибнинг қидирув саёҳати орқали реал ҳаёт занжирига боғланиши билан характерли. Истамбул шахри нафас оловчи тирик организм сифатида тасвирланади. Ғолиб бу жойдан чиққандан сўнг Британиянинг ББС телевиденияси ходимлари иштирок этган кўнгилочар кечага боради. Роман интригасининг яна қўтарилишига имкон берувчи боб “Қорли оқшомнинг ишқ қиссалари” деб номланиб, у кўнгилочар кечада турли одамлар томонидан айтилган “қиссалар” билан шакллантирилган. Бу ҳикоя услубида Жованни Бокаччонинг “Декамерон” асари услуби ёдга тушади. Памук ушбу асарга ҳавол бермоқчи бўлади. Чунки ушбу бобнинг композицион қурилиши “Декамерон”ники билан ўхшаш. Эпиграф сифатида келтирилган Мавлононинг “Бекорчи, оқиз одамлар билан ҳикоя излаётганлар” жумласи бир қадар сирли бўлиб кўринса ҳам бобнинг умумий қиёфасини очиб беради. Бу бобда еттита ҳикоя айтилади. Бу ҳикояларнинг мотивлари сўғийлик, шаҳар ҳаёти, оқшомлар ва айвонлар билан боғлиқ. Якунда барча ҳикояларнинг умумий иккита мавзуга эга эканини кўрамиз. Булар севги ва ўзликни топиш мавзулариdir. Деярли ҳар бир ҳикояда инсон ўзини топиш учун курашаётгандан, илгари танимаган одамларга дуч келганида ҳам, улар асло ўзига ўхшамаслиги ва чексиз безовталик ичida йўқолиб кетиши, ёки улар шунчаки, ўзларининг акси ё бўлмаса бошқа бирорнинг нусхаси бўлиб чиқиши, бу нарса баъзан инсонларни ҳалокатга ҳам олиб бориши мумкинлиги уқтирилади.

Ғолиб ҳам ҳикоялар мусобақасига қўшилади. Унинг ҳикоясида умрининг охирларида Марсел Пруст романини ўқиган ва ўзини бу романнинг асосий қаҳрамонларидан бири Албертина билан таниш деб биладиган кекса журналист ҳақида сўз боради. Журналистнинг фикрича, Албертина исмли бу аёл унинг ҳаётига мазмун қўшади, уни ўз уйида яшайдиган одам сифатида тасаввур қиласди.[11;116] Кунларнинг бирида у ҳаётидаги бу бетакрор хаёлни ёш журналистга айтиб, хато қилганини тушунади. Бу ҳақда ёш журналист ўз рукида мақола қилиб ёзади. Журналист ғурури синганидан эмас, уни ҳаётга боғлаб турган гўзал хаёли фош бўлгач, кекса журналист ўз жонига қасд қилиб, бу дунёни тарк этади. Роман сюжети ана шу “ўзлик” ва “бегоналик” тушунчалари атрофида ривожлана бошлайди. Ўн олтинчи бўлим Жалолнинг “Ўзим бўлишим керак” сарлавҳали мақоласи сифатида давом этади. Мазкур бобга америкалик психологик триллерлар устаси Патрисия Хайсмитнинг “Агар сиз қувноқ ёки қайпули, ўйчан ёки меҳрибон бўлишни хоҳласангиз, бу вазиятларнинг ҳар бирини батафсил ижро

этишингиз керак” деган мулоҳазаси эпиграф сифатида келтирилган. Бу мақоласида Жалол газетага келган ва унга ҳар хил саволлар берган бир киши ҳақида гапиради. Бобнинг сўнггида Жалолнинг ўрнини эгаллаган Ғолиб инсон ҳеч қачон ўзи бўла олмайди ва доимо бошқаларга тақлид қилиб яшайди, деган холосага келади.

Романинг ўн еттинчи бобида Ғолибнинг Рўёни излаш жараёнини давом эттираётгани тасвиrlанган. Мазкур боб “Мени танидингизми?” деб номланган бўлиб, бу сафар Ғолиб Истамбулдаги баланд минораларга кўтарилади. Ўқувчи унинг дунёқарашида эврилишлар жараёни кечаётганини, бу ўзгаришлар унинг мулоҳазалари ва қарорларига ҳам таъсир кўрсата бошлаганини тушунади. Ғолиб британиялик журналистлар билан павильондан чиқиб, Мериҳ Манекен Атолъеси номли манекен устахонасига боришади. Туркияning энг қадимги маҳаллий манекен устахонасида Жаббор Бей уларни кутиб олади. У ўз меҳмонларини устахона билан таниширишни хоҳлайди. Меҳмонларнинг нияти эса у ер билан танишиш эмаслиги маълум бўлади. Бу боб ҳам “ўзлик” мотиви атрофида ривожланади, яъни “инсоннинг ўзи бўлиш” муаммосини ечишга ҳаракат қилинади. Ғолибнинг журналистлар гурӯҳи билан манекенлар орасида бўлиши Рўё ва Жалолни қидиришига алоқадор эмас. Манекен устахонаси ва Рўёни қидириш ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқ. Аммо ўқувчи Памуқнинг месседжини сезиб қолади. Рўёни излаш мотиви энди инсоннинг ўзини излаш жараёнига айланиб бораётгани кўринади. Инсон ўзлигини излаш концепсияси шарқ адабиёти ва фалсафасида кўп учрайди. Уларнинг негизида Аллоҳни топиш ва унга яқинлашиш мақсади ётади. Памуқ мавжуд концепцияни замонга мослаб янгича талқин этади.

Рўёни излаш жараёнига манекенлар устахонасининг боғлиқ эмаслиги унинг рамзи ва тимсолдан холи экани англатмайди. Постмодерн матн остида яна бир матн ётишини унутмаслик лозим. Бу ерда Туркияда биринчи марта очилган манекен устахонаси тасвиrlанган. Худди одамларга ўхшайдиган манекенлар териб ташлангани айтилади. Жамиятнинг ҳар бир қатлами, ҳар бир табақаси, ҳар бир касб вакили манекен сифатида ифодаланади. Ушбу манекенлар ўзаро таснифланган ҳолда ажратилади. **Муаллиф “манекен” тимсолида бугунги жамият кишиларининг образли ифодасини кўрсатмоқчи бўлади.** Манекенларнинг бу ерда бўлишининг сабаби бизни қадим тарихимизга боғлашдир, дея изоҳ беради манекенларни ясаган Жаббор Бейнинг отаси. Памуқ ўзига хос метафорани бизга тақдим этади. Маникенлар унутилган тарих рамзи бўлиб, эндиликда тарих ер остидагина жон сақламоқда. Унинг ҳукми фақат ер остига ўтади. Бу билан муаллиф ер остига кўмилган, унутилган тарихни тамсил қиласи. Ер ости манзараси тепасида қад ростлаган азим шаҳарнинг илдизи бўлиб, одамлар бу тарих устидан ҳар кун юриб ўтишади. Устахонадаги лаҳм йўлакларни эслатувчи туннеллар тарихий вазифасига кўра ўтмишда кимдандир қочиш учун қурилган. Қадимий хоналар орзуларини, умидларини ва хотираларини йўқотган одамларни ифодалайди. Шаҳарда яшовчи жамоавий онг билан тарихий ертўлада унутилган онг мувозанатга келади. Ёзувчи қаҳрамонини шу мақсадда бу қадимий манекенлар сақланувчи устахонага олиб киради.[17;124] Постмодерн романда тарих ўзига хос бадиий илдиз функциясини бажаради. У асар бадииятини ҳам, сюжетини ҳам озиқлантириб туради.

Роман Ғолиб ва унинг меъмор дўстининг тарихий йўлаклардан чиқиб, масjidга бориши билан давом этади. Романдаги интрига асарнинг бу ўринларида ҳеч қандай

ўзгаришсиз, бир маромда сақланади. Ғолиб Белкис раҳбарлигига масжид минорасига чиқади. Эрталаб у ердан чиқиб Белкиснинг уйига боришади. Белкис узоқ вақтдан бери Рӯё ва Ғолибни зимдан кузатади. У Ғолибни севади ва Рӯёning ўрнида бўлишни хаёл қилади. Белкис ҳам романдаги “**ўзликни топиш**” мотивининг бир иштирокчиси сифатида намоён бўлади. У ҳаётининг кўп қисмини “ўзликни топиш” ҳақида ўйлаш билан ўтказган. Ғолиб тундаги воқеалардан, айниқса, эшитилган турли ҳикоялардан қаттиқ чарчаб, ухламоқчи бўлганида, Белкис унга “Шаҳзода қиссаси”ни айтиб бермоқчи бўлади: “Ҳа, бир вақтлар бир шаҳзода яшаган экан, у ҳаётнинг энг муҳим саволи ўзи бўлиш ёки бўлмаслик эканлигини англаб етган эди, лекин Ғолиб кўз ўнгида ҳикоянинг рангларини тасаввур қила бошлаганида, ўзини бошқа одамга айлана бошлаганини ҳис қилиб ухлаб қолди”. Биринчи қисмнинг ўн тўққизинчи якуний боби “Шаҳар ишоралари” деб аталади. Ғолиб уйқудан уйғонганида яна қаршисида Белкисни кўради. Биргалиқда Жалолнинг газетадаги навбатдаги мақоласини ўқишиди. Шу ўринда Белкис образига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Бу исм шарқ мифологиясидаги Билқис образини эслатади. Аввало, унинг номи бекорга бундай танланмаган. Билқис номи Қуръони Каримда келтирилган бўлиб, Яман шаҳридаги Сабъа шаҳрининг хукмдори бўлган ва бу шаҳар аҳолиси қуёшга сиғинган. Сулаймон алайҳиссалом Билқисга хат ёзиб, Исломга даъват этадилар. У пайғамбарга катта ҳадялар юборди, лекин Сулаймон алайҳиссалом уларни олмасдан яна Исломга чақирдилар. «Бас, қачонки (Билқиснинг элчилари унинг юборган ҳадясини олиб) Сулаймон (хузурига) келгач, у деди: “Сизлар менга мол-дунё билан мадад бермоқчимисиз?! У ҳолда (билингизки), Аллоҳ менга ато этган (пайғамбарлик ва мулку давлат) У зот сизларга берган (мол-дунёдан) яхшироқдир. Балки сизлар ҳадяларингиз билан хурсанд бўларсизлар, (лекин менинг унга эҳтиёжим йўқдир). Сен (қавмингга) қайтиб бориб (айтгинки, агар хузуримга бўйинсунган ҳолларида келмасалар), албатта биз уларга шундай қўшин билан борумизки, улар унга асло бас кела олмаслар ва албатта биз уларни (қишлоқларидан) мағлуб ҳолларида қувиб чиқарумиз” (**Намл сураси, 36-37-оятлар**). Шундай экан, Белкис образи Қуръони Каримдаги Намл сурасига ишора қилади. Аммо унинг асардаги функцияси Билқис каби эмас. У Ғолибни ўзи ўйлаб юрган ўй-хаёллар калавасини топишга бир туртки вазифасини бажаради. Белкисни тарқ этган Ғолиб шаҳар атрофида айланади ва ўзини излаётган инсон сиймоси ёрқинроқ гавдалана бошлайди. У ўз ҳаётидан маъно қидиради. Маъно сари талпиниш эса уни айнан ўзлигини топишга олиб боради.

Ғолиб атрофидаги воқеликка бошқа ракурсдан қарай бошлайди. У ҳамиша ичидаги бўлган, доим яшаган, ўзи ҳис қилган, излаган, лекин ҳозир англаганидек, ўзи чуқур тушуниб етмаган атрофидаги барча предмет ва ёзувларда (бунга айниқса, Жалолнинг мақолалари киради) ўзликка етиш йўллари кодланган. Ҳар бир предметда ва воқеликда бир асрор бор, уларни ечган инсон ўзлигини топади. У ўзидан бегоналашмайди. Шу маънода Албер Камюнинг “Бегона”си ёдга тушади. Лекин “Бегона”нинг қаҳрамони Мерсо жамият томонидан бегоналаштирилади. Яъни унинг ўзи бегонага айланади. Ғолиб эса бегоналашувни ҳис қилмайди, у қўпроқ ёруғлик манзилини излайди. Бу ёруғлик манзили инсоннинг ўзлигини таниши, ўзи бўла олиш саодатидир. Романнинг кейинги қисмларида бу маъно ойдинлаша боради, сирларни ечишга калитлар топила бошлайди. **Памуқ матннинг ўзи калит эканига ўқувчини ишонтиришга уринади.**

Ғолиб одамларнинг қиёфасидаги маънони ўқиб тушунишга ҳаракат қиласди. Жалолнинг мақолаларидағи сўзларнинг сирини англашга уринади. У ўзлигини топиш учун бошқа одамга айланиши кераклигини тушуниб етади. Бошқа одам унинг ўзи. Романнинг биринчи қисми Ғолибнинг Шехрикалпдаги уйига қайтиб, Жалолнинг хонадонига чиқиши билан тугайди. Романнинг биринчи қисми яхлит қаралганда, сюжет Ғолибнинг ўзгаришлар йўлида қиладиган руҳий эволюциясига замин ҳозирлайди. Муаллиф учун буни қандай амалга ошириш жараёни қизиқ. Рӯё ва Жалол бу сафарда мапвҳум жумбоқ сифатида қолишади. Иккинчи қисм бу жумбоқ ҳал этилишини кутиш билан бошланади. Иккинчи қисм ўн етти бўлимдан иборат. Дастребки 19 бобнинг 19 рақами билан боғлиқ сирлилиги иккинчи қисмдаги 17 рақамининг ҳам сир эканини ўқувчи олдига эслатма сифатида қўяди. Бу бобда сюжетни ташкил этувчи асосий чизик тўққиз бобда баён этилган, Жалолнинг мақолалари эса саккиз бобда келтирилган.

Иккинчи қисм “Шарпали уй” деб номланган биринчи боб билан бошланади. Бу боб биринчи қисмда Ғолибнинг Жалолнинг квартирасига кириши ҳақидаги ўн тўққизинчи эпизоднинг мантиқий давомидир. Бу қисмда Ғолиб ва Жалолнинг ашаддий мухлиси ўртасида кечадиган узоқ телефон суҳбатларига кенг ўрин берилади. Ғолиб Жалолнинг ўрнига бу одам билан худди Жалол каби телефонда суҳбатлашади. Шу ўринда биринчи қисмнинг учинчи бобида келадиган парча такрорланади: “Кейинги кунларда бу телефон суҳбатини қайта-қайта эсласига тўғри келганида, Ўзининг овози бировнинг овозидек тингланган ўша кунларда Ғолиб телефоннинг икки четидаги икки киши эканлигини жуда яхши биларди. Чунки у тушунардики, бир-бири билан гаплашганда телефон линияси бутунлай бошқа одамларга айланиб кетиши мумкин эди...” Ўқувчи телефоннинг нариги томонидаги киши жуда зийрак газетхон эканини илғаб олади. У йиллар давомида Жалолнинг мақолаларини қолдирмасдан ўқиб боради. У Жалол ёритган барча фитна ва қотилликларни билади. Ўқувчи Ғолибдан уни Жалол деб ўйлаб, уй манзилини сўрайди. Ғолиб, табиийки, уйнинг манзилини айтмайди ва телефонни ўчиради. Ўша одам яна қўнғироқ қиласди. У Жалол хотирасини йўқотгани учун ундан яшириниб юрганини даъво қиласди. Ғолиб гўшакни қўйгандан сўнг Жалолнинг квартирасини текшира бошлайди. У кўплаб газета парчалари, мақолалар, чипталар, фотосуратлар, мукофотлар, телефон рақамлари ва манзиллар ёзилган қалин дафтарларни топади. Буларнинг ҳар бири Жалолнинг ҳаётидаги турли белгилардир.

Учинчи боб “Шамс Табризийни ким ўлдириди?” деб номланган, Ғолиб эрталаб уйғониб, ўша куни нашрдан чиқсан “Миллият” газетасини Жалолнинг пижамасини кийиб ўқииди ва мақоладаги хатоларини тузатишга киришади. Бу Ғолибнинг Жалолга айланиши, яъни ўзлигини топишининг ибтидоси дейиш мумкин. Шу ўринда сюжетдаги интрига пасайгани сезилади, бу эса Ғолибнинг Жалолнинг ўрнини эгаллаганида ҳис қилган хотиржамлиги билан боғлиқ. У Жалолнинг ёзганларини ўқий бошлайди. Бу ёзувлар ғайриоддий маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу мақолаларда Истамбул билан боғлиқ қизиқарли ва ноодатий тарих ёзилган. Учинчи бобда машҳур сўфий шоир Мавлоно Жалолиддин Румий ҳаёти ва унинг Шамс Табризий билан дўстлиги ҳақида батафсил қомусий маълумотлар берилган. Жалол бу масала устида қаттиқ меҳнат гани кўриниб туради У Мавлоно ва Шамс ўртасидаги муносабатни “ўзлигини топиш, ўзи бўлиш” муаммоси бўйича асосий манба сифатида кўради. Ғолиб Жалолнинг бу мавзудаги ёзганлари билан ўзидағи Жалол образи ўртасида яқинлик борлигини сезади.

Шу ерда Жалол исми Жалолиддин исми билан уйғун эканлигини илғаб оламиз. Юқорида келтирилган Белкис образи ҳам Ислом мифологиясидаги Билқис образига ишора қиласы. Мазкур боб Жалол образининг асардаги функциясини янада ойдинлаштириб беради. Романдаги ҳар бир қаҳрамон бир образга нисбатан тақлид эканини кўрамиз. Жалол Жалолиддин Румийга, Ғолиб исми эса Шайх Ғолибга тақлиддир. Романнинг кейинги қисмлари ёпиқ жойларда, Ғолибнинг бошидан кечирган ўзгаришларига гувоҳ бўлган объектлар орасида юз беради. Жалол узоқ вақт давомида сўфийликнинг ҳуруфийлик йўналиши билан шуғуллангани, араб алифбосида битилган ҳуруфийлик манбаларини лотин ҳарфларига табдил қилгани маълум бўлади. У топилган ҳар бир қиёфа ва фотосуратларга бу белгиларни чизиб чиқади. Унинг фикрича, шу йўл билан биз одамларнинг қиёфасидаги маънони ўқиймиз ва йўқотиб қўйган қалбимизни қайта тиклаймиз.

Ғолиб “Қиёфалардаги жумбоқлар” бўлимида Жалолнинг ёзганларини ўқиши ва у билан танишишда давом этади. Узоқ мутолаа давомида телефон жиринглайди ва қўнғироқ қилган киши ўзини Маҳир Иккинчи деб таништирган Жалолнинг мухлиси экани маълум бўлади. Олдин бу одам билан икки марта гаплашишдан қочган Ғолиб, бу сафар Жалолнинг ўрнига узундан узоқ нутқ сўзлайди. У Жалолни кўрмоқчи эканини айтади, Ғолиб гўшакни қўяди. У яна фотосуратларга қарашга, улардан маъно топишга ҳаракат қиласи. Қиёфалардаги қайғу, умидсизлик ва оғриқдан қочиш учун суратлардан бирор сир ёки ишора излашга уринади. Фотосуратлар шунчалик кўпки, бир неча соат давом этган бу жараённинг охирида Ғолиб уларнинг фақат бир қисминигина текшириб чиқиши мумкинлигини тушунади. Ёзувлардаги сир билан қиёфалар ўртасидаги муносабат Ғолибга ўзи излаётган сирнинг ечимини беради. У Жалолнинг ўттиз йил ичida тўплаган минглаб фотосуратларини текшириб чиқади. “Мактублар сири ва сирнинг йўқолиши” деб номланган еттинчи бобда ҳуруфийлик асосчисининг ҳаёти ва фаолиятига оид қомусий маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар қиёфаларнинг маънолари билан боғлиқ ҳолда эканини англаймиз. Ғолиб бу маълумотларни ўргангандан асар “Ҳуруф асрори ва сирларнинг ғойиб бўлиши” дея номланиб, Ф.М.Учинчи исмли шахс томонидан ёзилгани айтилади. Ф.М.Учинчининг фикрича, Шарқ ва Ғарб икки муросасиз дунё сифатида бир-бирига қарама-қаршидир. Бу икки дунёдан бири хўжайин, иккинчиси биринчисига қул бўлиши керак. Тарихда ўтган воқеалар унинг бу фикрини тасдиқлайди. Ф.М.Учинчи эришган хулоса ҳуруфийлик йўқолгач, қиёфаларнинг маъноси ҳам йўқолганини кўрсатади. Бу маънони фақат ҳуруфийлар ўқий олишини назарда тутсак, Ф.М.Учинчи ва Жалол ўртасидаги муносабатларнинг аҳамияти ойдинлашади. “Қора китоб” романининг тўққизинчи боби “Кашф-ул асрор” деб номланади ва унда Ғолибнинг сир тугунини еча бошлагани тасвирланади. Аста-секин Жалолнинг ички дунёси билан таниша бошлаган Ғолиб Жалолнинг ёзганларини ўқиган сари ўзидаги ўзгаришлардан хабардор бўлади. “Энди мен бошқа одамман!”, дея иқорор бўлади.

Худди шу ўринда Ғолибнинг бировнинг ўрнини эгаллаш ҳақидаги фикрлари ёзиш жараёни билан уйғунлашади. Ғолибнинг кейинги қунлари ёзиш билан ўтади. Унинг биринчи мақоласи “Мен ойнага қарадим ва қиёфамни ўқидим” деб номланади. Иккинчи мақоласи эса шундай бошланади: “Кўп йиллар давомида ўзим мен бўлишни хоҳлаган одам эканлигимни орзу қиласдим”. Биринчи мақоланинг “Қаҳрамони менман” деб

бошлаган жумласи ўнинчи бобга сарлавҳа қилиб олинган. Иккинчи мақола эса “Кўзгуга кирган ҳикоя” деб номланган ўн иккинчи бобни ташкил қиласи. Шундай қилиб, Ғолиб постмодерн матн сатҳида мавжуд бўлган Жалолни ўзига алмаштиради. Мақолалари орқали мавжуд бўлган шахс Жалол, ёзувни яратган киши эса Ғолиб эди. Шундай қилиб, роман марказида турган “Хеч ким ўзи бўла олмайди” тезиси маълум даражада тасдиқланади. Бу сюжетнинг мураккаб табиати, шунингдек, инсон ўзгариши билан боғлиқ энг қизиқ воқеа Ғолибнинг саёҳати тугаганидан далолат беради. Ғолиб бу сирни ечди ва ўзининг бошқа бирор бўлишни хоҳлаётганини англаши биланоқ борса келмас йўлга тушади. Охир-оқибат, у бўлишни хоҳлаган бошқа одамни ўзига алмаштириб, шундан сўнг ўзини топди. Хулоса шуки, Ғолиб барибир ўзини англаб етди.

Роман Ғолиб газета таҳририяти жойлашган бино олдида тўхтаб, Жалолнинг сўнгги мақолаларини нашр қилиш учун таҳририятига бериши билан давом этади. Бу ерда у яна Нешати билан учрашади. Улар орасида яна бир можаро юзага келадики, бу яна сюжетдаги интригани кучайтиради. Нешати Жалол ёзган барча мақолаларнинг манбасини Шарқ ва Ғарбнинг баъзи ёзувчилари асарларидан ўғирлаганини таъкидлайди. Далиллар кучли:

“– Ёдимга тушди! Сен менинг хотира боғимдаги чечаксан, – деди Нешати ёзувдан бош кўтармай. – Хотира боғи... кимнинг жумласи?

– Жалол Соликники.

– Йўқ, Боттфолионики, – деди кекса журналист бошини кўтариб, – Ибн Зерхонийнинг ўша классик таржимасидан. Жалол Солик одатдагидек ундан ўғирлаган. Унинг қора кўзойнаги билан юрганингизда.

– Кўзойнак менини, – деди Ғолиб”.

Ғолиб Нешатининг саволларини жавобсиз қолдирганча, газета таҳририятини тарқ этиши билан можаро тугайди. Роман Ғолибнинг шаҳарнинг турли жойларига қисқа сафарлари билан давом этади. “Менинг биродарим” деб номланган бобда Ғолиб Шехрикалп хонадонига қайтгани ҳақида сўз боради. Бу орада у яна Фотиҳ Мехмет Учинчи билан телефон орқали мулоқот қиласи. Фотиҳ Мехмет билан узоқ телефон суҳбати давомида у Жалол яқинлашиб келаётган ҳарбий тўнтаришнинг олдини олади, деб ўйлади. У Ғолибдан яна уй манзилини сўрайди. Бу узун телефон суҳбатлари Жалол ёзганларининг одамларга таъсирини тушунтириш нуқтаи назаридан муҳим саналади. Телефонда Фотиҳ Мехмет Карсда яшайдиган бир аттор ҳақида гапиради. Аттор Жалол Соликни беш қўлидек яхши биладиган инсон. У бутун умри давомида унинг маслаҳатига амал қиласи. Айтганини сўзсиз бажарди, қилма деган ишини қилмади. Бу узун нутқида Фотиҳ Мехмет Жалолнинг ёзганларида қўллаган баъзи мотивларга, унинг услубий хусусиятларига эътибор қаратади. Бу бобдаги энг эътиборга молик мунозара Жалолнинг плагиат мавзусидаги қарашлари доирасида бўлиб ўтади. Фотиҳ Мехметнинг сўзларига кўра, Жалолнинг кўчирмачилик, яъни адабиётдаги манбага кўрсатмай, бошқа муаллифнинг асарини ўғирлаш ёки ундан фойдаланиш борасида турлича фикрлари бор. Бу фикрлар ва Нешати ўртасида зиддият тугилган. У эса Нешати ва Ғолиб ўртасидаги зиддиятнинг манбаи. Кўп мавзуларга эътибор қаратиш билан давом этаётган бу суҳбатлар охирида Ғолиб Жалолнинг пижамасини кийиб ухлайди. Пайшанба куни эрталаб Ғолиб уйғониб, яна қўнғироқ жиринглаётганини эшитиб қолади. Бу сафар у аёл киши билан гаплашади. У Жалолнинг собиқ севгилиси эканлигини ва Жалол учун кўп

мақолалар ёзганини айтади. Унинг исми Эмине эканлиги маълум бўлади. Ғолиб аёлдан Фотиҳ Меҳметнинг ҳарбий тўнтаришга алоқадор бўлгани учун нафақага чиққан собиқ аскар эканлигини билиб олади. Ўн саккиз йилдан бери Жалол билан кўришмаган аёл энди уни кўрмоқчи. Гўшакни қўйиши билан Фотиҳ Меҳмет қўнғироқ қиласиди. Унинг овози бу сафар таҳдидли оҳангда янграйди: “Кеча Эмине менга ҳаммасини тан олди. Мен уни топдим ва уйга олиб келдим. Жалол афанди, сендан нафратланаман, сени ўлдираман! Сени ўлдираман!”

Фотиҳ Меҳметнинг нега бирданига Жалолни ўлдирамоқчи бўлиб қолганининг сабаблари сюжет давомида очиб берилади. Ора-сирада пайдо бўладиган бу эпизодлар бежиз келмаслигини биламиз. Фотиҳ Меҳмет бутун ҳаётини Жалолнинг нигоҳи орқали кўздан кечирганини ва у билан ҳисоб-китоб қилишини қуийдагича изоҳлайди: “Сени ўлдираман! Сиз туфайли мен ҳеч қачон ўзим бўлолмайман”. Унинг бу гаплари Ғолибнинг “Инсон ҳеч қачон ўзи бўлолмайди” деган тезиси билан яхлитлашади. Шу ўринда романнинг асосий мавзуларидан бири бўлган “инсоннинг ўзи бўлиши” ғояси биринчи марта ўзининг тўлиқ ифодасини топади. “Қора китоб”нинг сюжети “Ҳикоячи эмас, ҳикоя” номли ўн бешинчи боби ва “Аммо буларни ёзган мен бўламан” сарлавҳали ўн еттинчи боб билан якунланади. Ғолиб Жалол ва Рўёни топаман деб ўйлайди. Эски фотосуратларни топади. Жумладан, ўн бир ёшли Рўё Босфор бўғозида оилавий саёҳат пайтида олинган фотосуратни кўради. Босфор бўғози бу ерда биринчи қисм, иккинчи бўлимдаги Босфор манзараларини эслатиб юборади. Рўёнинг Килёс соҳилида олинган суратини кўриб, у бу сирни ечдим, деб ўйлайди. Ғолиб Пера саройига боради ва у ерда Британия сайёҳлик гуруҳи билан учрашади. Ғолиб шу ерда “Шаҳид қисссаси”ни айтиб беради. Романнинг ўн саккизинчи бобини ташкил этувчи бу охирги ҳикоя романдаги энг узун ҳикоя ҳисобланади. Ўзи бўла олмасдан, безовта бўлиб вафот этган бир шаҳзоданинг ҳаёти ҳақидаги ғамгин ҳикоя Жалолнинг газетада чоп этилган мақоласи бўлиб, унинг ўлимидан сўнг газеталар орасидан топилган. “Қора китоб” романи ўн еттинчи – “Аммо буларни ёзган мен бўламан” боби билан тугайди. Ушбу охирги бобда романнинг бошидан бошлаб ишлаб чиқилган ва ривожланган парча-парча сюжетдаги тугунларнинг ечими тасвирланган. Ғолиб Пера саройидан қайтаётганида Нишантошида тўпланиб турган оломонга дуч келади. У ерда ўлдирилган журналист ҳақида эшитади ва бирдан Жалол хаёлига келади.

Ғолиб дарҳол Шеҳрикалпдаги хонадонга қайтади. У Рўёни топа олишига умид қиласиди. Бироқ, Рўё ҳали ҳам топилмаган. Шу ўринда ёзувчи романга аралашиб, ўқувчига мурожаат қиласиди. Бу чақириқ романдаги ўзига хос ҳикоя анъаналарига тескари бир усулдир. Муаллиф бошиданоқ ўқувчи билан ўрнатмоқчи бўлган билвосита мулоқотни тарқ этиб, тўғридан-тўғри мулоқотга ўтади. Дарҳақиқат, романнинг кейинги қисмida қотиллик қандай содир этилгани, Рўёнинг тақдиди ва ундан кейинги воқеалар тез ва қисқача ҳикоя қилинади. Жалолни истеъфодаги зобит Фотиҳ Меҳмет Учинчи отиб ташлаган. Ўқдан яраланган Рўё қийинчилик билан бурчакдаги Аладдиннинг дўконига борган, Аладдин уни кўрмай эшикни ёпгач, Рўё шу ерда вафот этган. Улар эрталаб Рўёнинг жасадини топишади. Жалол узоқ вақтдан бери даҳшатли хотира бузилишидан азият чекарди. У тез унутиб қўяди, шунинг учун одамлардан қочиб юради. Рўё ҳам шу қочиши кунларида Жалолга ҳамроҳлик қиласиди. Ёз охирида ҳарбий тўнтариш содир бўлиб, янги хукумат тузилади. Бу ерда Ғолибнинг яна ҳикоячига айланганини кўрамиз.

Сюжет Ғолибнинг ўтмиш ва ҳозирги замоннинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида мушоҳада юритувчи узун монологи билан якунланади.

Хулоса. “Қора китоб” романининг сюжети, умуман олганда, “**инсоннинг ўзини излаш**” мотивига асосланган. Дастреб Ғолибнинг йўқолган рафиқаси Рўёни излаши сифатида пайдо бўлган бу мотив, вақт ўтиши билан Ғолибнинг ўз шахсиятини ва ўзлигини топиши билан ўзгариб боради. Роман охирида Ғолибнинг яна Рўё ва Жалолни қидираётганини қўрамиз. Ҳозир бутунлай ўзига айланган Ғолиб Жалол вафот этгач, эски ҳаётини давом эттириши, у тақлид қилмоқчи бўлган одамга айлангани; аммо Жалол ўлса, у яна ўзига айланishi мумкинлиги баён қилинади. Шу тариқа роман бошидаги “ўзгариш” мотиви эволюцияси ҳеч қандай маъносиз қайтарилади. Роман чексиз доира ҳосил қиласиган тарзда тузилган. Асар якунида **инсоннинг ўзгариши бирлаҳзалик вазиятларнинг натижаси эмас, балки бутун бир ҳаётнинг натижасидир**, деган хулоса келиб чиқади.

“Қора китоб” романини Ўрхон Памуқнинг постмодерн романчилигидаги энг чўққига қўтарилиган асари дейиш ўринлидир. Романда интертекстуаллик усулидан ўта моҳирлик билан фойдаланилган бўлиб, “Қора китоб” бошқа асарлардан иқтиbos келтирилган ва ўзга адабий манбаларга ҳавола берувчи матнлардан иборатdir.

Adabiyotlar/Литература/References:

1. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. - 56 б.
2. Шавкат Мирзиёев. «Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари» 4-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2020,-452 б.
3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида.// Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. № 28 (6722)
4. **Orhan Pamuk, Kara Kitap**, İletişim Yayınları, İstanbul, 1995
5. “Nedir Yaşamı Anlamlı Kılan?”, Cumhuriyet Kitap, 23.02.1990
6. “Адабиёт назарияси асослари”. Д.Куронов. – Т: Академнашр, 2018, 370 б.
7. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Фан, 1967, 232 б.
8. Адабий тур ва жанрлар. 2 қисм. –Тошкент: Фан, 1992, - 247 б.
9. Ahmet KABAŞLI, “Orhan Pamuk'un Romanlarına Bakışlar”, Türk Edebiyatı, Eylül 1992, Sayı: 227
10. Ahmet KABAŞLI, “Orhan Pamuk”, Türk Edebiyatı, Türk Edebiyatı Vakfı Yayınları, İstanbul 1994, Cilt: 5
11. Бахтин. Вопросы литературы и эстетики. М.: Художественная литература, 1975, -235 с.
12. Белинский В.Г. Собрание сочинений в трех томах. Т.3. М., 1948, -384 с.
13. Berna Moran, Türk Romanına Eleştirel Bir Bakış 3, İletişim Yayınları, İstanbul, 1994.
14. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2002, - 520 б.
15. Бореев Ю.Ю. Эстетика. Теория литературы. Т.4. Литературный процесс. –М.: Наследие, 2002, - 624 с.
16. Бореев Ю.Ю. Теория литературы // Энциклопедический словарь терминов. — М., 2003, - 575 с.

17. Дилмурод Куронов. Назарий қайдлар. Т.: Академнашр, 2018.
18. Fethi Demir, Orhan Pamuk'un romançılık kariyerinde bir geçiş romanı: Benim adım kırmızı, Uluslararası Sosyal Araştırmalar Dergisi, Cilt: 9, Ekim 2016
19. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. O'quv qo'llanma / Ulug'bek Hamdam. – Toshkent: Akademnashr, 2020
20. Jale Parla, "Orhan Pamuk'un Romanlarında Renklerin Dili". Orhan Pamuk'un Edebi Dünyası. Nüket Esen - Engin Kılıç. İstanbul: İletişim Yayıncılığı, 2008, s.120
21. Kantarcioğlu, Sevim (2007), Türk ve Dünya Romanlarında Modernizm, İstanbul: Paradigma Yayıncıları.
22. Kaplan, Ramazan (1997), Cumhuriyet Dönemi Türk Romanında Köy, Ankara: Akçağ Yayıncıları, 3. Baskı.
23. Lucy, Niall (2003), Postmodern Edebiyat Kuramı, Çev. Aslıhan Aksoy, İstanbul: Ayrıntı Yayıncıları.
24. Литературный энциклопедический словарь Текст. / под общ. ред. В.М. Кожевникова, Л. А. Николаева. М.: Советская энциклопедия, 1987, -752 с.
25. Moran, Berna (1998), Türk Romanına Eleştirel Bir Bakış III, İstanbul: İletişim Yayıncılığı, 4. Baskı.
26. Mehmet TEKİN, Romancı Yönüyle Orhan Pamuk ve Yeni Hayat, Öz Eğitim Yayıncılığı, İstanbul 1997, 1. Baskı
27. Модернизм. Сборник. – М.: Искусство, 1987.
28. Nesrin T.Karaca, Türk Edebiyatında Postmodernizm, Ağustos 2011 - Yıl 100 - S.288
29. Oktay Ahmet, Romanımıza Ne Oldu?, İstanbul: Dünya Kitapları Yayıncılık, 2003.
30. Orhan Pamuk, "Kara Kitap", Yapı Kredi Yayıncılığı, İstanbul 2016, Sayı: 476
31. Orhan Pamuk, "Saf ve Düşünceli Romancı", Yapı Kredi Yayıncılığı, İstanbul 2016, Sayı: 124
32. Orhan Pamuk, Cevdet Bey ve Öğulları, İletişim Yayıncılığı, İstanbul, 1995
33. Orhan Pamuk, "Öteki Renkler", Yapı Kredi Yayıncılığı, İstanbul 2018.
34. Orhan Pamuk, "60'lardan Bu Yana Romanda Fazla Değişiklik Yok", (Soruşturma Cevabı), Hürriyet Gösteri, Mayıs 1989
35. Orhan Pamuk, the Armenian genocide and Turkish nationalism, Swiss magazine Das Magazin, 6 February, 2005
36. Orhan Pamuk, Yeni Hayat, İletişim Yayıncılığı, İstanbul, 1995
37. Parla Jale, "Modernizmden Postmodernizme Türk Romanı", Çev: Yurdanur Salman, Türk Edebiyatı Tarihi, C. IV, İstanbul: Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayıncılığı, 2006, I. Baskı
38. Султонов И. Адабиёт назарияси. Дарслик. –Т.: Яңғы аср авлоди, 2004.
39. Süreyyya Evren, **Postmodern Bir Kız Sevdim**, İthaki Yayıncılığı, İstanbul, 2003, s.213
40. Soruşturma, "Orhan Pamuk: 60'lardan Bu Yana Romanda Fazla Değişiklik Yok", Hürriyet Gösteri, Mayıs 1989, Sayı: 100
41. Тамарченко Н.Д. Теория литературы. В двух томах. Учебное пособие. 3-е издание. М.: Академия, 2008. – 512 с.
42. **Tahsin Yücel, Kara Kitap Üzerine, Hürriyet Gösteri – Kasım 1990**
43. Умurov X. Адабиётшунослик назарияси. Дарслик. –Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.
44. Затонский Д.В. Модернизм и постмодернизм. – Харков: Фолио, 2000, ст.255
45. Yıldız Ecevit, Orhan Pamuk'u Okumak, Gerçek Yayınevi, İstanbul 1996
46. Yıldız ECEVİT, "Orhan Pamuk'un Romanlarında Ana Bileşenler", Varlık, Nisan 1996, Sayı: 1063
47. Yürek, Hasan (2008), "Türk Romanında Modernist Etkinin Boyutları", Gazi Üniversitesi Eğitim Fakültesi Dergisi, C. 28.
48. Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. Тошкент: Камалак, 2016.
49. Çelik, S. Dilek Yalçın (2005), Yeni Tarihselcilik Kuramı ve Türk Edebiyatından Postmodern Tarih Romanları, Ankara: Akçağ Yayıncılığı, 2005.325

50. Ҳамдамов У. Ижодкор ва давр. //Ўзбек тили ва адабиёти, 2002. №6.
51. Hakan Sazyek, "Türk romanında postmodernist yöntemler ve yönelimler", Türk Romanı Özel Sayısı, Mayıs/Haziran/Temmuz 2002, s.493-509.
52. Қурунов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. -Тошкент: Академнашр, 2010.
53. Қозоқбай Йўлдош. Постмодернизм: моҳият, илдизлар ва белгилар. "Жаҳон адабиёти", 2015 йил, 10-сон
54. Özkul M. Murat, "Küreselleşen Dünyada Postmodernizm ve Türk Romanı", 1980 Sonrası Türk Romanı Sempozyumu, 27-28 Mart 2008, Kayseri: Erciyes Üniversitesi Matbaası

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

Nº S/4 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масьулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).